



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 8, ISSUE 9



ТОШКЕНТ-2023

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№9 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-9>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Боймуродов Ботир Панжи ўғли НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	5
2. Султанова Сабохат Алишеровна О НЕКОТОРЫХ ТЕНДЕНЦИЯХ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА ОЦЕНКИ РЕГУЛЯТОРНОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	13
3. Ли Адик Александрович НАЛОГОВАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ И ЕЕ ПРИНЦИПЫ ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	21
4. Safojeva Sadoqat Musoyevna IJTIMOIY TARMOQDA SHARTNOMAVIY MUNOSABATLARDAGI MUVOZANATNI TA'MINLASH: FUQAROLIK QONUNCHILIGINI TAKOMILLARISH BO'YICHA TAVSIYALAR.....	32
5. Berdialiyev Baxtiyor Erkinovich QIMOR VA TAVAKKALCHILIKKA ASOSLANGAN BOSHQA O'YINLARNI TASHKIL ETISH HAMDA O'TKAZISHNING IJTIMOY XAVFLILIGI.....	41
6. Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li JINOYAT KODEKSI MAXSUS QISMIDA NAZARDA TUTILGAN JINOYAT BELGILARIGA NISBATAN XATO QILINGANDA QILMISHNI KVALIFIKATSIYA QILISH.....	49
7. Mamajanov Abrorbek Mirabdullayevich SHEKLANGAN AQLI RASOLIKNING YURIDIK MEZONI.....	58
8. Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна, Хамракулов Умиджон Шарабидинович КИБЕРЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БУ БОРАДАГИ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	65
9. Sunnatov Vohid Toshmurodovich AXLOQ TUZATISH ISHLARI JAZOSINI O'TASH BILAN BOG'LIQ XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBALARI TAHLILI.....	73
10. Тошниёзов Сардор Уралбаевич КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЁКИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛАГА КИРИТИШНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР.....	80
11. Азходжаева Роза Алтыновна РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ МЕДИКО-САНИТАРНЫХ НОРМ В РЕГУЛИРОВАНИИ ВОПРОСОВ ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ.....	87
12. Турдиев Хайитжон Усмонкул ўғли ПАРЛАМЕНТ ТЕКШИРУВИ ИНСТИТУТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	95




12.00.01-ТЕОРИЯ И ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА. ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ

Боймуродов Ботир Панжи ўгли,
Тошкент давлат юридик университети
катта ўқитувчиси
E-mail: Boymurodovb@mail.ru

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

For citation: Boymurodov Botir Panji ugli. MAIN DIRECTIONS OF IMPROVING THE LEGISLATION REGARDING CITIZEN PARTICIPATION IN THE NORM-MAKING PROCESS. Journal of Law Research. 2023, 8 vol., issue 9, pp. 5-12

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8312571>

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада норма ижодкорлиги жараёнида фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий асослари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари илмий таҳлил қилинган. Таҳлил натижасида норма ижодкорлиги жараёнида фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий асослари борасидаги мавжуд муаммолар аниқланган ва уларнинг ечимлари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган. Хусусан, тадқиқот ишида қонунчилик ҳужжатларидаги такрорланишлар, бир тушунчани ифодалашда турли атамалардан фойдаланишнинг салбий таъсирлари аниқ мисоллар ёрдамида очиқ берилган.

Калит сўзлар: фуқаролар иштироки, норма ижодкорлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, қонун, юридик техника, лойиҳа.

Боймуродов Ботир Панжи ўгли,
Старший преподаватель Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: Boymurodovb@mail.ru

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОБ УЧАСТИИ ГРАЖДАН В НОРМОТВОРЧЕСТВЕННОМ ПРОЦЕССЕ

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье анализируются правовые основы участия граждан в процессе нормотворчества и их особенности. В результате анализа выявлены существующие проблемы, касающиеся правовой основы участия граждан в процессе нормотворчества, и выдвинуты научно обоснованные предложения и рекомендации по их решению. В частности, в исследовательской работе на конкретных примерах выявляются повторы в законодательных

документах, негативные последствия использования разных терминов для выражения одного и того же понятия.

Ключевые слова: участие граждан, нормотворчество, нормативный-правовой акт, право, юридическая техника, проект.

Boymurodov Botir Panji ugli,

Senior Lecturer of Tashkent State University of Law

E-mail: Boymurodovb@mail.ru

MAIN DIRECTIONS OF IMPROVING THE LEGISLATION REGARDING CITIZEN PARTICIPATION IN THE NORM-MAKING PROCESS

ANNOTATION

In this scientific article, the legal bases of citizen participation in the process of norm creation and their specific features are analyzed. As a result of the analysis, existing problems regarding the legal basis of citizens' participation in the process of norm creation were identified, and scientifically based proposals and recommendations were put forward for their solutions. In particular, in the research work, repetitions in legislative documents, the negative effects of using different terms to express the same concept are revealed with the help of specific examples.

Keywords: citizen participation, norm-making, normative-legal act, law, legal technique, project.

Асосий қисм

Фуқароларнинг норма ижодкорлиги жараёнида иштирок этиши тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар гарчи умумий қонунчилик тизимининг алоҳида бир йўналиши бўлсада қонунчиликнинг бошқа ҳужжатлари билан ўзаро алоқада бўлади. Шу жиҳатдан, фуқароларнинг норма ижодкорлиги жараёнида иштирокининг ҳуқуқий асоси сифатида бир ёки бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши муаммонинг ечими бўлиб хизмат қилмайди.

“Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси”да қонунчилик тизимидаги мавжуд камчиликлар турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солиш каби салбий амалиётнинг давом этишига олиб келаётганлиги, бу эса ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига сабаб бўлаётганлиги қайд этилди. Шу билан бирга, норма ижодкорлигига нисбатан ёндашувнинг қонун ҳужжатларида жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда фуқароларнинг ҳаёти ва фаровонлигини яхшилашга доир вазифаларга эришишни таъминламаётганлиги кўрсатиб берилди[1].

Сўнги йилларда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ва норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган туб ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, янги таҳрирдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш борасида илғор қарашлар илгари сурилди. Ошкоралик принципининг ўрнатилиши ва у асосда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш режалари (дастурлари) мажбурий тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган тегишли органларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинишининг жорий этилиши, фуқароларнинг тегишли давлат органларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқининг белгиланиши, тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг расмийлаштирилиши каби муҳим қадамларни айтиб ўтиш мумкин[2]. Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилмаган лойиҳаларнинг эса қабул қилинмаслиги каби тартибларнинг жорий этилишини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Норма ижодкорлиги жараёнида Фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий асоси, аввало, Конституциядан бошланади. Зеро, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими иерархиясининг энг

юқорисида Конституция туради. Конституциянинг бир қатор моддаларида фуқароларнинг норма ижодкорлиги жараёнида иштирокига тегишли нормалар мавжуд бўлсада, бироқ аниқ ва тўғридан-тўғри ҳуқуқий асос сифатида хусусиятларга эга эмас. Хусусан, Конституциянинг 36-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилиши белгиланган[3]. Конституциядан ўрин олган янги нормага кўра эндиликда Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқига эга бўлган, юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаролари қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли бўлмоқда.

Юқоридагилар билан бирга, олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар ҳам соҳага янгича ёндашишни талаб этмоқда. “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш мақсадида қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш амалиётини такомиллаштириш ва шу асосда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланганлиги алоҳида эътиборга молик[4]. Норма ижодкорлиги ва фуқаролар иштироки масалаларининг Тараққиёт стратегияси каби муҳим ҳужжатда уйғунлашуви кейинги ислоҳотлар учун тамал тоши вазифасини бажаради.

Шубҳасиз, муайян соҳадаги муносабатларни тартибга солишда конституциявий нормалар асосида қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этади. Норма ижодкорлиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар маҳсули сифатида соҳага оид кўпгина янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчилик тизимимизга кириб келди. Натижада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар доирасида ўндан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари шаклланди. Мазкур қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий тизимга кўрсатаётган самарали таъсирини эътироф этиш билан бирга, айрим муаммоларга ҳам эътибор қаратиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Долзарб муаммолар таҳлили

Аввало, соҳага оид қонунчилик базасидаги мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилин аналга оширадиган бўлсак, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”, “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5505-сон Фармони, “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”, “Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари; Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруқлари билан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмалар”, “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари”, “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, юридик-

техник жиҳатдан расмийлаштириш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш қоидалари шулар жумласидандир”.

Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тўғрисида, ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш тўғрисида, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисидаги бир қатор қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши кутилаётганлиги ҳисобга олинса, масаланинг долзарблиги янада ошади.

Норма ижодкорлиги соҳасидаги бу каби бир-бирини такрорловчи қонунчилик ҳужжатларининг мавжудлиги фуқароларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнидаги иштирокига салбий таъсир кўрсатади. Бу каби салбий ҳолатларга кўпчилик олимлар томонидан эътибор қаратиб келинади. Хусусан, Р.Ҳакимов баъзи ҳолларда ижтимоий муносабатларнинг алоҳида масалаларини тартибга солувчи кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжудлиги, уларнинг ўзаро қарама-қаршилиги ҳуқуқий нормаларни тушунишда фуқаролар ва ҳуқуқни қўлловчи органлар учун қийинчиликларни келтириб чиқаришини таъкидлайди[5].

Биринчидан, айрим қонунчилик ҳужжатларида эски таҳрирдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга берилган ҳаволаларнинг сақланиб қолиши юз бераётган тезкор ўзгаришларга мослашишда муаммолар келтириб чиқаришини кўрсатади. Хусусан, Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмалар ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларида ўз кучини йўқотган бир неча қонун ва қонуности ҳужжатларига ҳаволалар берилган.

Иккинчидан, юридик техниканинг умумий қоидаларига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилиши керак[6]. Ҳуқуқшунос олим Ш.Бердиёров норма ижодкорлиги соҳасидаги мавжуд муаммолар ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар қаторида қонунчиликда атамаларни ишлатиш билан боғлиқ муаммолар, жумладан, бир атаманинг турли қонунчилик ҳужжатларида турлича маъноларда қўлланилаётганлигига эътибор қаратади ва мазкур ҳолат чалкашликларни юзага келтирмоқдалигини таъкидлайди[7]. Хусусан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида идора тушунчасига таъриф берилмаган. Ваҳоланки, ушбу тушунча истеъмолда турли корхона, ташкилот ва муассасаларга нисбатан қўлланилади.

Бундан ташқари, Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси қонунчилик ҳужжатлари билан тенглаштирилган бўлса, қонуности ҳужжатларида масала янада чигаллашади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги низомда вазирлик, давлат қўмитаси ва идора томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар “меъерий ҳужжатлар” тарзида ифодаланган бўлса[8], Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари”да эса мазкур ҳужжатлар бўйича “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат” тушунчасидан фойдаланилади[9]. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъерий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги яна бир қарорида “Идоравий меъерий ҳужжатлар” тарзида келади[8]. Ҳуқуқшунос олим Х.Одилқориев ҳам мазкур масалага эътибор қаратиб, куйидаги фикрларни билдиради: “Қонунчилик амалиётимизда “идоравий меъерий ҳужжатлар” деган категория кўп учрайди. Қонуннинг “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари” деб номланган 14-моддаси ана шу тоифадаги ҳужжатларга бағишланган. Фикримизча, мазкур

моддани “Вазирлик ва давлат кўмиталарининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари” деб номлаш тўғрироқ бўлар эди”[11].

Учинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатларининг бу каби кўп бўлиши улардан фойдаланувчиларга ҳам кўплаб қийинчиликлар туғдиради. Айниқса, махсус билим ва кўникмаларга эга бўлмаган фуқароларга.

Юқоридаги таҳлиллар кўрсатмоқдаки, норма ижодкорлиги соҳасидаги қонунчиликни танқидий кўриб чиқиш ва тизимлаштириш вақти келди. Мазкур эҳтиёж, аввало, норма ижодкорлиги соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан самарали тартибга солиш билан боғлиқ. Қолаверса, сўнги вақтларда тобора кенг қамров олаётган “Очиқ бюджет” лойиҳалари исботлаяптики, фуқароларнинг ҳуқуқий-сиёсий фаоллиги сезиларли даражада ошган. Ушбу омиллар норма ижодкорлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини фуқаролар иштироки нуктаи назаридан қайта кўриб чиқишни ва тизимлаштиришнинг мақбул турига мослашни талаб этади. Албатта, назария ва юридик амалиётда Норма ижодкорлиги кодексини қабул қилиш бўйича таклифлар кўп марта илгари сурилган. Бироқ кодекслаштириш узоқ вақт давом этадиган, мураккаб жараён бўлганлиги сабабли ҳозирги пайтда тизимлаштиришнинг инкорпорация туридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар

Маълумки, инкорпорация норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг расмий шарҳлари ва бошқа ҳуқуқий ахборотларни турли мезонларга асосан муайян бир тўпламга қоғоз ёки электрон кўринишда тизимлаштириш ҳисобланади. Бунда мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмади[12]. Норма ижодкорлигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимига инкорпорациянинг жорий этилиши фуқаролар иштирокига ижобий таъсири қуйидагиларда кўринади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишга оид зарур маълумотларни топиш ва улардан фойдаланишни осонлаштиради;

фуқаролар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишга ваколатли давлат органларига ёки бевосита норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган ишчи гуруҳга бериладиган саволлар ва мурожаатларни камайтиради;

бир-бирини такрорловчи ва коллизия нормаларни аниқлаш имконини беради;

фуқаролар томонидан тақдим этиладиган таклиф ва тавсияларнинг сифатини оширади.

Албатта, инкорпорациянинг турли хил кўринишлари мавжуд бўлиб, бутунги кунда норасмий яратиладиган турлари кўп учрайди. Бироқ фуқароларнинг норма ижодкорлиги жараёнидаги иштирокига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инкорпорацияси билан мамлакатимизда ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишга ваколатли бўлган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги шуғулланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Зеро, адлия органлари ўз ваколатлари доирасида:

ҳуқуқ ижодкорлиги масалалари бўйича давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга услубий раҳбарлик қилади;

ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг мониторинги ва таҳлилин амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка, халқаро шартномалар нормаларига, мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, уларда коррупцияга, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга шарт-шароит яратувчи, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар ва нормалар мавжудлигини аниқлаш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқлигини, уларда ҳуқуқий нормалар мавжудлигини аниқлаш нуктаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турқумлаштирилган ҳисобини юритиш тартибини тасдиқлайди, унга риоя қилиш устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини ва қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш бўйича ишларни амалга оширади[13].

Норма ижодкорлиги жараёнида фуқаролар иштирокининг институционал асосларини ўрнатиш ва янада такомиллаштиришни бу борадаги алоҳида йўналиш сифатида белгилаш мумкин. Ўзбекистонда норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида институционал асосларга эътибор қаратилди. Натижада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнига бир қатор янги институтлар кириб келди, мавжудлари янада такомиллаштирилди. Хусусан, тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда ҳуқуқий эксперимент ўтказиш каби янги институтлар норма ижодкорлиги фаолиятини бойитган бўлса, лойиҳалар юзасидан олиб борилган муҳокаманинг очиқ ва шаффофлиги ҳамда унга турли соҳа вакилларини кенг жалб этиш бўйича эса концептуал қарашлар янада такомиллаштирилди[1].

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, бу борада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб, мазкур концепцияда ҳам қонунчиликни ривожлантиришда институционал асосларга, жумладан, Қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш амалиётини такомиллаштириш алоҳида таъкидланди[15]. Бундан ташқари, стратегиянинг ўн биринчи мақсадидан халқ билан очиқ мулоқотнинг механизмларини янада такомиллаштириш, муҳим қарорларни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини кенгайтириш масалалари ўрин олган[10].

Шу жиҳатдан, фуқароларнинг норма ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини норма ижодкорлигининг бир методидан алоҳида институти даражасида белгилаш вақти етди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантириш концепциясида юқори сифатли қонунчилик тизимини яратишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида фуқаролар иштирокига алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ. Зеро, концептуал характерга эга сифатида мазкур соҳадаги муносабатлар босқичма-босқич қонунчиликда ўзининг ҳуқуқий асосларига эга бўлиб боради.

Ҳар қандай инновация, ҳар қандай янгилик борки, ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланмагунча ўз самарасини тўлиқ намоиш этолмайди. Юқоридаги таҳлиллар натижасида аён бўлдики, фуқароларнинг норма ижодкорлиги жараёнидаги иштирокининг ҳуқуқий асослари тарқоқ кўринишга эга. Бу эса айрим муносабатларнинг тўлиқ ёки қисман ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмасдан қолиш хавфини юзага келтиради. Шу ўринда ҳуқуқдаги бўшлиқларнинг фуқароларга норма ижодкорлиги жараёнида ўзларининг фуқаролик фаоллигини амалга оширишларига қай даражада салбий таъсир кўрсатишига тўхталиб ўтиш жоиз. Ҳуқуқдаги бўшлиқ тушунчаси бўйича мавжуд ёндашувларни ўрганиш миллий ҳуқуқ тизимимизни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳуқуқдаги бўшлиқларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уни бартараф этишнинг самарали восита ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш қонунчилигимизнинг пишиқ ва пухталигини ҳамда мукамаллигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади[14].

Фуқароларнинг норма ижодкорлиги жараёнида бевосита иштирок этиши нафақат фуқаролар учун, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ваколатли давлат органлари учун ҳам янги тенденция ҳисобланади. Мазкур ҳолат ҳам норма ижодкорлиги жараёнида фуқаролар иштирокига нисбатан ягона расмий-ҳуқуқий қарашларни шакллантиришни талаб этади. Бугунги кунда норма ижодкорлиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва тобора кучайиб бораётган фуқаролар фаоллиги фонида норма ижодкорлиги жараёнига фуқароларни жалб этиш билан боғлиқ муносабатларни тизимли ва тўлиқ ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга эҳтиёж сезилмоқда. Шу жиҳатдан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда фуқаролар иштироки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вақти келди. Мазкур Қонунда ҳуқуқий норма ижодкорлиги, ҳуқуқий норма ижодкорлиги жараёнида фуқаролар иштироки, шакллари ва турлари, ушбу жараёнда фуқаролар ва ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ ва

мажбуриятлари, фуқароларнинг норма ижодкорлиги жараёнида иштироқи тартиблари каби муҳим муносабатлар қонун ҳужжатлари асосида ўрнатилади. Бунда ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат тури ва уни қабул қилишга ваколатли давлат органининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон; 09.11.2019 й., 06/19/5870/4010-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон.
2. <https://www.minjust.uz/uz/press-center/news/101903/>
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023 й. – Б. 12.
4. Пардаев М., Пардаева О., Пардаев О. Ўзбекистон тараққиётининг стратегик йўналишлари ва уларнинг тавсифи. Journal of marketing, business and management. – 2022. VOL.1 – Б. 92. (Pardaev M., Pardaeva O., Pardaev O. Strategic directions of development of Uzbekistan and their description. Journal of marketing, business and management. – 2022. VOL.1 – P. 92.)
5. Хакимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари: Монография. – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти – Тошкент.: 2012. – Б. 110. (Khakimov R.R. Parliament in the system of state power: problems of theory and practice: Monograph. - Publishing House of the Institute for Monitoring Current Legislation under the President of the Republic of Uzbekistan - Tashkent.: 2012. - P. 110)
6. Пономарева Е.В., Герасимов А.П. Юридическая терминология как технико-юридическое средство юридической техники // Правовое государство: теория и практика. 2015. – №4. – С. 50. (Ponomareva E.V., Gerasimov A.P. Legal terminology as a technical and legal means of legal technique // Legal state: theory and practice. 2015. - No. 4. – P. 50.)
7. Бердияров Ш. Норма ижодкорлиги жараёнида юридик техникани кўллашни такомиллаштириш истиқболлари // Жамият ва бошқарув. 2020. – №1 (87). – Б. 45. (Berdiyarov Sh. Prospects for improving the use of legal techniques in the process of norm creation // Society and management. 2020. – No. 1 (87). - P. 45.)
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори // <http://lex.uz/docs/310209>
9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда, 21-сон, 253-модда, 52(1)-сон, 654-модда; 2016 й., 19-сон, 221-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/2565-5/0565-сон; 06.07.2018 й., 10/18/2565-6/1469-сон; 20.02.2019 й., 10/19/2565-7/2653-сон, 20.04.2019 й., 10/19/2565-8/2976-сон; 29.04.2020 й., 10/20/2565-9/0539-сон, 29.06.2020 й., 10/20/2565-10/1010-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2021 й., 10/21/2565-11/0594-сон; 28.06.2022 й., 10/22/2565-12/0580-сон
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
11. Одилқориев Х.Т. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунни янада такомиллаштириш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси

- ахборотномаси. 2021. – №3. – Б. 34. (Odilkoriev Kh.T. Problems of further improvement of the Law on Regulatory-Legal Documents // Newsletter of the Ministry of Internal Affairs Academy of the Republic of Uzbekistan. 2021. – No. 3. - P. 34.)
12. Карнаухова Е.В. Понятие инкорпорации локальных нормативных правовых актов. <https://cyberleninka.ru/article> (Karnaukhova E.V. The concept of incorporation of local regulatory legal acts. <https://cyberleninka.ru/article>)
 13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 07/18/3666/1073-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон; 02.07.2019 й., 07/19/4380/3360-сон; 02.11.2019 й., 07/19/4505/3987-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон; 20.05.2020 й., 06/20/5997/0634-сон; 03.06.2020 й., 06/20/6003/0708-сон, 09.07.2020 й., 06/20/6021/1047-сон; 09.03.2021 й., 06/21/6184/0192-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон; 29.01.2022 й., 06/22/61/0084-сон; 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон
 14. Сайдуллаев Ш. Қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлашнинг методологик муаммолари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – 2019. – №1. – Б. 9. (Saydullaev Sh. Methodological problems of identifying gaps in legislation // Analysis of the legislation of Uzbekistan. – 2019. – No. 1. - P. 9).
 15. <https://strategy.uz/index.php?category=izdaniya>

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 8, ISSUE 9

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000